

## Тазкия 196-дарс. Ғазаб қилманг!



19:00 / 13.08.2022 4949

Ғазабни ютиш фазилатли ишлардан ҳисобланади. Бунга ҳар қандай одам ҳам қодир бўла олмайди.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда ғазабни ютувчиларни мадҳ қилиб:

سَأَنلَا نَعْنِي فَاغْلَاوَاوَطِيْعَلَا نِي مَطَاكُلَاوَاوَأَرْضَلَاوَاوَأَرْسَلَا يَفَنُوقَفُنِي نِي دَلَا  
نِي نَسْخُ مَلَا بَحِيْهُ لَلَاوَاو

**«Улар энгиликда ҳам, қийинчиликда ҳам нафақа қиладиганлар, аччиғини ютадиганлар ва одамларни афв қиладиганлардир. Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севадир»**, дея марҳамат қилган (Оли Имрон сураси, 134-оят).

Ғазабни ютиш энг қийин ишлардан ҳисобланади. Ғазаб инсонда турли муносабатлар ила қўзғалиб туради, уни жиловлаб олиш ҳар бир кишининг

ҳам қўлидан келавермайди. Лекин тақводор киши бу оғир ишни эплаши мумкин. Яъни, қалбида тақводорлик мавжуд бўлган инсонгина ғазабдан ғолиб чиқа олади.

Кўпчилик англаб олиши лозим бўлган ҳақиқатлардан бири шуки, бир шахсдан содир бўлган ҳар бир зулмга қарши унга ҳам ўшанча мислда жавоб қайтариш жоиз эмас. Мисол учун, ғийбатнинг жавобига ғийбат қилинмайди. Жосусликка қарши жосуслик қилинмайди. Сўкишга яраша сўкилмайди. Бошқа маънавий маъсиятлар ҳам шу каби. Қасос олиш ёки жарима шариатда белгилангандан бошқача бўлиши мумкин эмас.

Сўкишни ўзига яраша сўкиш билан қарши олиш мумкин эмаслиги Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидан олинган.

هَلْ لَعَلَّ لِي لَصْرٌ هَلْ لِي لُؤْسٌ رَلَّاقٌ هَمْوَقٌ نَمْلُ جَرٍ نَعِي نِي جَلَّوَلَمَّ يَبَأُ نَع  
«هَبُّ سَتِ الْفَوْحِ نَهَيْ فُمَلِّعَتِ تَنْ أَوْ كَيْفُ هَمْ لَعِي عَيْ شَبُّ لُجَّرَ كَبَسُ نِإِو: مَلَسُو  
دَمَحَأُ هَأَوْرُ»

Абу Тамийма Ҳажинийдан, у қавмидан бўлган бир кишидан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Агар бир киши сени ўзингда бор нарса ила сўкса, сен уни унда бор нарса ила сўкмагин», дедилар».**

Имом Аҳмад ривоят қилган.

لَاقِ مَلَسُو هَلْ لَعَلَّ لِي لَصْرٌ هَلْ لِي لُؤْسٌ رَلَّاقٌ هَمْوَقٌ نَمْلُ جَرٍ نَعِي نِي جَلَّوَلَمَّ يَبَأُ نَع  
«دُوَادُ وَبَأُ هَأَوْرُ. «مَوْلُ ظَمْلٍ دَتَّ عِي مَلِّ أَمُّ هَمْ نِي دَابُّ لِي لَعَفُ، أَلَّاقِ أَمَّنَّابُ تَسْمُ لَأِ  
يُذَمَّرُ تَلَّأُ مَلَسُ مَو»

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Икки сўкишганнинг гуноҳи улардан аввал бошлагангадир. Модомики мазлум ошириб юбормаган бўлса», дедилар».**

Абу Довуд, Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

